O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG`ONA VILOYATI
Farg`ona shahar
Hokimining

Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

хокима
города Ферганы

20 18 yil "28" декабрь № 1694 Farg`ona shahri

Фарғона шаҳар маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий кўрсаткичлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 52-I-сон) 28, 99-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 17 ноябрдаги 2119-III-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-348-III-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарори, Фарғона вилояти ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги 638-сонли қарори, Фарғона вилояти Молия бош бошқармасининг 2018 йил 27 декабрдаги УМ/02-04/3112-сонли хати ҳамда Халқ депутатлари Фарғона шаҳар кенгашининг 2018 йил 28 декабрдаги "Фарғона шаҳар маҳаллий бюджетининг 2019 йилги параметрлари ҳақида"ги V-XXXVII-177-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли ҳамда Фарғона вилояти ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий кўрсаткичлари тўғрисида"ги 638-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Фарғона шаҳар маҳаллий бюджетининг 2019 йилга мўлжалланган:

давлат даромадлари режа кўрсаткичлари **1-иловага** мувофиқ;

маҳаллий бюджет даромадлари режаси **2-иловага** мувофиқ;

шаҳар маҳаллий бюджетидан молиялаштирилиши белгиланган харажатлар кўрсаткичлари **3-иловага** мувофиқ;

шаҳар бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг нормативлари ва айни шу солиқлардан шаҳар бюджетига ажратмаларнинг меъёрлари **4-иловага** мувофиқ;

шаҳар маҳаллий бюджети жами харажатларининг 1 фоизи доирасида 2019 йил учун захира жамғармаси миқдори **5-иловага** мувофиқ;

шаҳар бюджети айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорига мувофиқ 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб:

ягона солиқ тўлови ва ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдорлари ҳамда юк ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар учун, солиққа тортиш тизимидан қатъи назар, битта транспорт воситасига ҳисоблаганда улар томонидан тўланаётган солиқларнинг жами миқдори якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу фаолият тури бўйича тўлаётган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаслиги тўғрисидаги тартиб бекор қилинганлиги;

юридик шахслар хизмат кўрсатувчи банклардан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун пул маблағларини олишда (ёки пластик карталарга ўтказишда) ягона ижтимоий тўлов ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш бўйича тўлов ҳужжатларини тақдим этиши лозимлиги;

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўловини 4 фоиз ставкада тўлашга ўтказилиши;

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинганлиги;

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўлаши белгиланганлиги;

цемент ва клинкер учун қўшимча фойда солиғи ҳамда фойдали хизмат муддати тугаган, тўлиқ эскирган ускуналардан фойдаланиш учун тўлов бекор қилинганлиги;

ижтимоий соҳа муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларни молиялаштириш ва келишиш функцияларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини тугатилганлиги;

соҳани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, магистрал (вилоятлараро) коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича буюртмачи функцияларини Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги зиммасига манзилли дастурларни молиялаштириш ва келишиш функцияларини эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини тугатилганлиги;

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастурини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харажатларни алоҳида сатрда кўрсатган ҳолда молиялаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармасини тугатилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасини Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тасарруфига ўтказиш мақулланганлиги;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ҳамда дафн этиш маросими учун нафақаларни тўлаш харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши, шу билан бирга 2019 йил 1 январь ҳолатига пенсияларни тўғри тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган фуқароларга ортиқча тўланган пенсия суммаси қолдиқларини ҳисобдан чиқариш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ёки ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузулмани ривожлантириш солиғини тўлашдан тўлиқ озод қилиш кўринишидаги вақтинчалик имтиёзларга эга бўлган юридик шахслар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини имтиёзлар амал қилиш муддати тугагунга қадар икки баравар пасайтирилган ставкада тўлаш тартиби ҳамда 2019 йилда ягона ер солиғи тўловчилар учун солиққа тортишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинганлиги инобатга олинсин.

5. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Юлдашев, Молия бўлими (Ш.Иноятов), Давлат солиқ инспекцияси (А.Назиров) ҳамда бошқа тегишли идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан тасдиқланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ солиш тартиби ва белгиланган ставкаларга қатъий амал қилинишини таъминласинлар.

6. Шаҳар маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган халқ таълими, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасаларини иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов харажатлари 2019 йил 1 январдан вилоят маҳаллий бюджетидан мақсадли ижтимоий трансфертлар шаклида қопланиши белгиланганлиги ижро учун қабул қилинсин.

7. Шаҳар ҳокимлиги Молия бўлими (Ш.Иноятов), Бандликка кўмаклашиш маркази (Ф.Шаробиддинов), АТ Халқ банкининг Фарғона шаҳар бўлими ва Киргули филиали (Б.Мирзаахмедов, К.Тўхтасинов) 2019 йил

1 январдан бошлаб 14 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга нафақалар, бола икки ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши бўйича нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорининг 25-иловаси билан белгиланган миқдорларда тайинлаш ва тўланишини таъминласинлар.

8. 2019 йил 1 мартдан бюджет маблағлари тақсимловчилари бюджетдан ажратилган маблағлар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланиш, ўтказилган танлов (тендер)лар ва сотиб олинган товарларни етказиб бериш ҳақидаги тегишли ахборотни ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирсин.

9. Шаҳар ҳокимлиги Молия бўлими (Ш.Иноятов)га бюджет қонунчилигида белгиланган муддатларда 2019 йилги бюджет параметрларини тегишли бюджет ташкилотларига етказиш, шунингдек, умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетга 2019 йил учун ажратмалар миқдорларини шаҳардаги тегишли муассасаларга ва тижорат банкларига етказиш вазифаси топширилсин.

10. Шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (А.Назиров) маҳаллий бюджетларга белгиланган солиқ ва тушумларни йил давомида мунтазам равишда тўлақонли ҳамда бир маромда ундирилишини таъминласин ҳамда мавжуд боқиманда қарзларни кескин камайтириш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

11. Фарғона шаҳри бўйича Ғазначилик бўлинмаси (А.Бердиқулов) давлат даромадларидан маҳаллий бюджетга ажратмаларни ўз вақтида ва тўғри ўтказилишини тизимли назоратга олинишини, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўловини ўрнатилган тартибда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаб борсин.

12. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Юлдашевга:

давлат солиқ инспекцияси, молия ва банк идораларининг барча имкониятларини бюджетнинг даромадлар қисми прогноз кўрсаткичларининг барча манбаалар бўйича тўлақонли бажарилишини таъминлашга сафарбар қилиш;

шаҳар маҳаллий бюджетининг 2019 йилги параметрлари билан тасдиқланган заҳира жамғармаси маблағларидан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланилишини таъминлаш;

маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисмини сифатли ижро этилиши ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини қаттиқ назорат қилиш, бунда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет ижросига оид қарорлари ва фармойишлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

13. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулияти ва манфаатдорлигини кучайтириш, уларнинг даромадлар бўйича ваколатлари ва харажатлар бўйича мажбуриятларини ошириш мақсадида 2019 йил 1 январдан бошлаб:

а) қуйидаги даромадлар:

жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи, жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларидан олинадиган солиқ, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (электр станцияларидан ташқари), ягона ер солиғи, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғимлар, бозорлардан тушадиган даромадлар, конун бузарликларнинг айрим турлари учун жарималар туманлар ва шаҳарлар бюджетларига;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети билан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида тақсимлаган ҳолда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ягона солиқ тўловидан ажратмалар, алкоголь маҳсулотлари, пиво, бензин, дизель ёқилгиси ва газнинг чакана реализациясига акциз солиғи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилиши;

б) қўшилган қиймат солиғи тушумларининг бир қисми (товарларни импорт қилишда олинадигани бундан мустасно), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бундан мустасно), юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўланадигани, шунингдек, норезидентнинг даромадларидан тўлов манбаида ушлаб қолинадигани бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ўртасида тақсимланиши;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорининг 27-иловасида келтирилган бюджет ташкилотларини молиялаштиришни Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ўтказилганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган солиқлардан (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи бундан мустасно) маҳаллий бюджетларга ажратмалар 50 фоиздан кам бўлган тақдирда, ушбу солиқлар бўйича даромадларнинг прогноздан ошириб бажарилишидан ҳосил бўлган маблағларнинг 50 фоизи маҳаллий бюджетларга қайтарилиши;

д) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмларини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилишда Қорақалпоғистон Республикаси

Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халк депутатлари Кенгашларига:

харажатларнинг етишмаётган суммасини алоҳида туманлар ва шаҳарлар бюджетларини режалаштиришда шаклланадиган ортиқча даромадларни Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети билан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида қайта тақсимлаш ҳисобидан қоплаш;

қўшилган қиймат солиғи (импорт қилинадиган товарларга қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларидан олинадиган солиқ бундан мустасно), юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўланадигани, шунингдек, норезидентнинг даромадларидан тўлов манбаида ушлаб қолинадигани бундан мустасно)нинг бир қисмини тегишли ҳудудларда қолаётган даромадлар доирасида йўналтириш;

даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган маблағлардан бир қисмини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўтказиш бўйича ваколатлар берилиши назарда тутилганлиги инобатга олинсин.

14. Шаҳар ҳокимлиги Молия бўлими (Ш.Иноятов), Ғазначилик бўлинмаси (А.Бердиқулов) тегишли банк муассасалари билан биргаликда 2019 йилнинг январь ойида Фарғона шаҳар маҳаллий бюджетининг 2018 йилдаги ижроси бўйича қонунчиликда ўрнатилган тартибда якуний операцияларни ўтказсинлар ва мазкур операцияларни Фарғона шаҳар маҳаллий бюджетининг 2018 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларда акс эттирилишини таъминласинлар.

15. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Юлдашев, Молия бўлими (Ш.Иноятов), Давлат солиқ инспекцияси (А.Назиров) ҳамда бошқа мутасадди идора ва ташкилотлар билан биргаликда жойларда:

янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва ишлаб турганларини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожлантирилишини рағбатлантириш йўли билан аҳоли бандлигини ошириш, шунингдек бюджет ташкилотларининг харажатлари ва тармоқларини мақбуллаштиришни назарда тутган ҳолда маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтиришга қаратилган ишларни давом эттирсинлар.

16. Шаҳар ҳокимлиги бош юристконсульти (Ш.Дехқонов), Адлия бўлими (Д.Ахмедов) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарори билан 2019 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларининг ўз кучини йўқотганлиги, қўшимча ва ўзгартиришлар

киритилганлиги муносабати билан вилоят ҳокимининг тегишли қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф киритсинлар.

17. Фарғона шаҳар маҳаллий бюджетининг 2018 йилги кутилаётган ижроси даромадлари ва молия йили давомида киритилган ўзгартиришлар билан бирга харажатларининг аниқлаштирилган режаси **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

18. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли ва Фарғона вилояти ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2019 йилги параметрлари тўғрисида"ги 638-сонли қарорлари асосида тайёрланганлиги ҳамда қонунийлигига шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Юлдашев ва маъсул ижрочи шахсан жавобгарлиги белгилаб қўйилсин.

19. Мазкур қарор "Фарғона тонги" газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

20. Белгилансинки, мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

21. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Шаҳар ҳокими **Х. Хабибидинов**

Шаҳар ҳокимининг 2018 йил
" 28 " декабрдаги 1694 сонли
қарорига 1-илова

2019 йил учун Фарғона шаҳри бўйича бюджет даромадларининг режа кўрсаткичлари

Контингент

№	Даромад турлари	минг.сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	66 622 325
2	Норезидентлар томонидан тўланадиган фойда солиғи	2 037 394
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	16 674 210
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	283 329 222
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	7 541 000
6	Қўшилган қиймат солиғи	1 247 354 178
7	Акциз солиғи, жами	41 898 583
	шу жумладан:	
	- ароқ	0
	- коньяк	0
	- табиий вино	0
	- бошқа винолар	0
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	41 898 583
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	22 402 223
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	10 762 895
10	Юридик шахслар ер солиғи	25 939 794
11	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	6 731 120
12	Ягона ер солиғи	1 296 298
	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0
14	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	677 472
15	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	11 262 300
16	Давлат божи	32 468 068
17	Жарималар	11 285 899
18	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	17 582 869
19	Бозорлар даромадидан тушум	3 358 792
20	Маҳаллий йиғимлар	2 296 315
Ж А М И		**1 811 520 957**

Шаҳар ҳокимининг 2018 йил
" 28 " декабрдаги 1694 - сонли
қарорига 2-илова

2019 йил учун Фарғона шаҳри бўйича маҳаллий бюджет даромадларининг режа кўрсаткичлари

маҳаллий

№	Даромад турлари	минг.сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1 998 670
2	Норезидентлар томонидан тўланадиган фойда солиғи	0
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	16 674 210
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	59 499 137
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	7 541 000
6	Қўшилган қиймат солиғи	
7	Акциз солиғи, жами	41 898 583
	шу жумладан:	
	- арақ	
	- коньяк	
	- табиий вино	
	- бошқа винолар	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	41 898 583
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	22 402 223
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	10 762 895
10	Юридик шахслар ер солиғи	25 939 794
11	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	6 731 120
12	Ягона ер солиғи	1 296 298
13	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0
14	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	677 472
15	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	11 262 300
16	Давлат божи	32 468 068
17	Жарималар	11 285 899
18	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	17 582 869
19	Бозорлар даромадидан тушум	3 358 792
20	Маҳаллий йиғимлар	2 296 315
Ж А М И		**273 675 645**

Шаҳар ҳокимининг 2018 йил
"2" декабрдаги 1694- сонли
қарорига 3-илова

Фарғона шаҳар маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий кўрсаткичлари ҳамда ижтимоий соҳа учун мақсадли ижтимоий трансфертлар миқдорлари

Кўрсаткичлар		Миқдори (минг сўм)
	Харажатлар - жами	**273 675 645**
1.	**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами**	**231 526 700**
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	168 761 263
	- мактабгача таълим	55 335 821
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	40 949 931
	- умумий таълим	113 425 442
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	108 958 297
	- кадрлар тайёрлаш	
1.2	Соғлиқни сақлаш	57 029 188
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	50 184 984
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	5 494 228
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	1 701 464
	- спорт	3 792 764
1.4	Фан	
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	
1.6	Давлат мукофотларини тўлаш бўйича харажатлар	
1.7	Иситиш қозонхоналари ва иситиш тизимларини капитал таъмирлаш	
1.8	Ижтимоий кўникма марказлари	242 021
2.	**Иқтисодиётга харажатлар**	**29 190 912**
	шу жумладан:	
2.1	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	
2.2	Ободонлаштириш	28 314 049
2.3	Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар	523 675
2.4	Кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш	
2.5	"Тоза ҳудуд" Давлат унитар корхонаси	
2.6	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	

Кўрсаткичлар		Миқдори (минг сўм)
2.7	Ўрмон хўжалиги ташкилотлари	
2.8	Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	
2.9	Чигиртка ва қизил капалакка қарши профилактика ва курашиш радиологик ва токсикологик кузатувларни олиб бориш, тупроқ ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги оғир металл тузлари ва пестицидлар чўкинди қолдиқлари, тўпланган радионуклидларни таҳлил қилиш бўйича чора-тадбирларни	
2.10	Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг худудий бўлимларини сақлаш харажатлари	
2.11	Ветеринария қўмитаси	353 188
3.	**Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар**	
4.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**4 283 575**
	шу жумладан:	
4.1	Давлат бошқарув идоралари	4 283 575
5.	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**5 964 793**
6.	**Заҳира жамғармаси**	**2 709 665**
7.	**Бошқа харажатлар**	**0**
	шу жумладан:	
7.1	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	
7.2	Қабуллар уйини сақлаш харажатлари	

Маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадлар

Умумдавлат солиқларидан минимал миқдорда ажратмалар белгиланишида юзага келган ортиқча маблағлар

Дотация

Айланма касса маблағи меъёри **986 000**

Шаҳар ҳокимининг 2018 йил
"28" декабрдаги 1694- сонли
қарорига 4-илова

2019 йил учун Фарғона шаҳар бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг нормативлари ва айни шу солиқлардан шаҳар бюджетига ажратмаларнинг меъёрлари

(фоиз ҳисобида)

№	Даромад турлари	Маҳаллий бюджетга ажратмалар миқдори
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	3%
2	Норезидентлар томонидан тўланадиган фойда солиғи	0%
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	100%
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	21%
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	100%
6	Қўшилган қиймат солиғи	0%
7	Акциз солиғи, жами	100%
	шу жумладан:	
	- ароқ	0%
	- коньяк	0%
	- табиий вино	0%
	- бошқа винолар	0%
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	100%
9	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100%
10	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100%
11	Юридик шахслар ер солиғи	100%
12	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	100%
13	Ягона ер солиғи	100%
14	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0%
15	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	100%
16	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	100%
17	Давлат божи	100%
18	Жарималар	100%
19	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	100%
20	Бозорлар даромадидан тушум	100%
	Маҳаллий йиғимлар	100%

Шаҳар ҳокимининг 2018 йил
"28" декабрдаги 1694- сонли
қарорига 5-илова

Фарғона шаҳар маҳаллий бюджети жами харажатларининг 1 фоизи доирасида 2019 йилги заҳира жамғармаси
МИҚДОРИ

минг сўм

№	Шаҳар номи	Захира жамғармаси миқдори
1	Фарғона шахар	2 709 665

Шаҳар ҳокимининг 2018 йил
"28" декабрдаги 1634- сонли
қарорига 6-илова

Фарғона шаҳар маҳаллий бюджетининг 2019 йилга мўлжалланган бюджети айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам
МИҚДОРИ

минг сўм

№	Шаҳар номи	Айланма касса маблағи
1	Фарғона шахар	986 000

Шаҳар ҳокимининг 2018 йил
"28" декабрдаги 1694 - сонли
қарорига 7-илова

Фарғона шаҳар маҳаллий бюджетининг 2018 йилги кутилаётган ижроси даромадлари ва молия йили давомида киритилган ўзгартиришлар билан бирга харажатларнинг аниқлаштирилган режаси*

минг сўм

№	Шаҳар номи	Маҳаллий бюджет даромадлари			Маҳаллий бюджет харажатлари		
		Тасдиқланган режа	Киритилган ўзгартириш	Аниқлашти-рилган режа	Тасдиқланган режа	Киритилган ўзгартириш	Аниқланган режа
1	Фарғона шахар	48 643 869,0	1 026 990,0	49 670 859,0	184 101 937,0	21 622 131,0	205 724 068,0

Изоҳ:
*Бюджет кодексига асосан амалга оширилган якуний операциялар натижасига кўра 2018 йил учун аниқланган режаларга қўшимча аниқлик киритилиши мумкин.